

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ЭПУЛИСНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

**Бобожанов Йулдошбой Бахтияр ўғли., Каримов Расулбек Хасанович.,
Рузметова Дилфуза Тулибаевна.
Урганч давлат тиббиёт университети.**

Мавзунинг долзарблиги: Хомиладорлик жараёни физиологик ҳолат бўлиб, хомиладор она организмда турли гормонал ва иммунологик ўзгаришларга олиб келади. Ушбу ўзгаришлар баъзи ҳолларда хомиладор онанинг оғиз бўшлиғида эпulis каби шишларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Эпулис асосан, оғиз бўшлиғидаги милк тўқималарининг гиперплазияси натижасида пайдо бўлади ва унинг ривожланишида эстроген ва прогестерон гормонларининг юқори даражада бўлиши муҳим роль ўйнайди.

Мазкур тезисда хомиладорликда эпulis касаллигининг келиб чиқиш сабаблари — гормонал дисбаланс, оғиз гигиенасининг етарли даражада эмаслиги, тиш тошлари, механик таъсирлар, ирсий мойиллик ва иммунитет ўзгаришлари — таҳлил қилинади. Бу омиллар эпulisнинг ривожланиши учун қулай муҳит яратади ва хомиладор аёл саломатлигига хавф туғдириши мумкин.

Умуман олганда, олиб бориладиган тадқиқот натижалари, ушбу муаммонинг олдини олишда эрта диагностика, мунтазам стоматологик кўриклар ва акушер-стоматолог ҳамкорлиги муҳимлигини тасдиқлайди.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилоятида яшовчи хомиладор аёлларда учраган эпulis касаллигининг морфологияси ўрганилди.

Олинган натижалар: хомиладорликдаги эпulisлар асосан яримшарсимон шаклда, юмшоқ тўймаларда жойлашиши, диаметри 0.5-2.5 см ўлчамда бўлиши, юзаси силлиқ, қизғиш рангда эканлиги аниқланди. Морфологик жихатдан эпulis, фибробластлар, коллаген талолар кам сонли лимфоцитлар ва макрофаглар, грануляциян тўқима бўлиши, тўқима таркибида неоваскуляризация жуда фаол бўлиши, кўп сондаги нейтрофиллар, плазматик хужайралар бўлиши аниқланди.

Хулосалар: Хоразм вилоятида хомиладор аёлларда кузатиладиган эпulisлар морфологиясида ангиогенез ва яллиғланиш элементларининг устунлиги кузатилади. Бу ҳолат шифокорларга клиник қарорлар қабул қилишда — эпulisни бевосита олиб ташлаш, кузатиш ёки туғруқдан кейин баҳолаш каби — тўғри ёндашувни танлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Qurbanbaevich, K. A., Khasanovich, K. R., & Tulibaevna, R. D. (2024, February). CARIES DISEASE IN YOUNG CHILDREN. In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 2, No. 2, pp. 35-37).
2. Qurbanbaevich, K. A., Khasanovich, K. R., Tulibaevna, R. D., & Bakhtiyor o'g'li, B. Y. (2024, January). PREVENTION OF PERIODONTITIS DISEASE IN MIDDLE-AGED WOMEN. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION* (Vol. 1, No. 1, pp. 271-274).
3. Курязов, А. К., & Рустамова, Х. Е. (2012). Показатели заболеваемости кариесом зубов у беременных. *Уральский медицинский журнал*. 2012. Т. 93, № 1.
4. Курязов, А. К., & Муротов, Н. Ф. (2022). Характеристика неспецифических факторов иммунитета ротовой полости у беременных женщин. *Тиббиётда янги кун*, 10, 48.
5. Каримов, Р., Рузметова, Д., & Бобожанов, Й. (2026). ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ЭПУЛИСНИНГ ОНА ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC INNOVATION RESEARCH CONFERENCE*, 3(2), 71–72.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19208094>